



МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ТУРКУМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

PhD. доцент в.б. Хатамов Кобил Хайриевич,
Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистан
Email: Kobil.xatamov@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-4348-751X

PhD. Xatamov Kobil Hayirevich,
Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan
Email: Kobil.xatamov@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-4348-751X

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация: Ушбу мақолада асосий воситаларни ҳисобга олишни ташиқил этиши, Ўзбекистонда уни халқаро стандартларга мувофиқ ташиқил этилиши, шунингдек уларнинг ушбу соҳадаги муомоларни ҳисобга олган ҳолда техник хизмат кўрсатиши ва ҳал қилиши, ташиқил этиши, асосий воситаларни қабул қилиши ва чиқиб кетиши ҳамда эскиришини ҳисобга олиши масалалари ёритиб ўтилган. Корхона ва ташиқилотларда модернизация қилиши техник ва технологик қайта жиҳозлаши шубҳасиз асосий воситалар ҳаракати билан боғлиқ йўналиши ҳисобланади, шу нуқтаи назардан олиб қаралганда биз ҳозирги шароитда мамлакатимизда асосий воситалар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ назарий масалаларга тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиётни модернизациялаши шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишида асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариши жараёнида ўринга эга, чунки улар барча корхона

таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариши қувватини баҳолаши мезони бўлган ишлаб чиқариши техника базасини ташиқил этади. Асосий воситалардан унумли ва самарали фойдаланишида хўжалик юритувчи субъектда, аввало, уларнинг ҳисобда тўғри гуруҳланишига асосий эътибор қаратилиши лозим.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ҳисобга олиши, жумладан: асосий воситаларни кирими, асосий воситаларни чиқими (ҳисобдан чиқариши), асосий воситаларни қайта баҳолаши, асосий воситаларга амортизация ҳисоблаши, асосий воситаларни сотилишини ҳисобга олиши, асосий воситаларни текин берилиши ёки текин (безараз) олинишини ҳисобга олиши, асосий воситаларни таъмирлашни ҳисобга олиши, асосий воситаларни сотилишидан курилган фойда ёки зарарларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши. Корхоналарда асосий воситалар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, шу сабабли уларни туркумлаши ҳамда ҳисобини ўз вақтида тўғри олиб борилса ҳисоб сиёсатида муоммо ва камчиликлар юзага келмайди.

Асосий воситалардан унумли ва самарали фойдаланишида хўжалик юритувчи субъектда, аввало, уларнинг ҳисобда тўғри гуруҳланишига асосий эътибор қаратилиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектда содир бўладиган муомалаларни ҳисобга олиш ва назорат қилишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Abstract: In this article, the issues of Organization of accounting of basic Instruments, Organization of it in Uzbekistan in accordance with international standards, as well as their maintenance and solution, organization, adoption and withdrawal of basic instruments, taking into account the circulation in this sphere, are discussed.

Modernization in enterprises and organizations technical and technological re-equipment is undoubtedly the direction associated with the movement of basic tools, considering from this point of view we consider it worthwhile to dwell on the theoretical issues related to the basic tools and their movement in our country in the current conditions. Modernizing conditions of tertiary education therrni niouyati is a major instrument by which jurist subjects carry out their financial and financial activities, while therrni niouyati is an adult.

Basic tools play an important role in the production process of a business entity because they form the basis of the production technique on which the whole enterprise is based and which is the criterion for assessing the production capacity of the enterprise. In the effective and efficient use of acoci vocites, the acoci should pay special attention to their proper grouping in the hijab, first of all, in the hub.

Accounting for fixed assets in each business entity, including: income from fixed

assets, expenditure on fixed assets (write-off), revaluation of fixed assets, depreciation of fixed assets, accounting for sales of fixed assets, free transfer or acquisition of fixed assets accounting, accounting for repairs of fixed assets, accounting for gains or losses from the sale of fixed assets. Fixed assets are important in enterprises, so if they are classified and accounted for in a timely manner, there will be no problems and shortcomings in accounting policies.

In the effective and efficient use of acoci vocites, the acoci should pay special attention to their proper grouping in the hijab, first of all, in the hub. The accounting hijab serves as an important vocita in the hijab and control of transactions that are capable of in the business cub.

Калим сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, асосий воситалар, амортизация, захиралар, асосий воситаларни кирими ва чиқими, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аналитик ҳисоб, қайта баҳолаш, асосий воситаларни туркумлаш, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш.

Key words: accounting, fixed assets, depreciation, reserves, income and expenditure of fixed assets, international financial reporting standards, analytical accounting, revaluation, classification of fixed assets.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётига интеграллашув жараёнида асосий вазифалардан бири халқаро стандарт талабига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бундай маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, янги технологиялар жорий этиш ва қайта жиҳозлаш лозим. Шу нуқтаи назардан ушбу масаланинг муҳимлигини

таъкидлаб, юртбошимиз Ш.Мирзиёев шундай деган: "Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада жалб этишимиз зарур бўлади. Айни шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришимиз даркор"[1].

Демак, асосий вазифа ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиётнинг еткази тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини ҳам қайта ишлаш тармоғини техник ва технологик қайта жихозлаш муҳим масала ҳисобланади. "Ўздонмаҳсулот" АК тизимида жами 44 та хўжалик сўбекти фаолият олиб боради. Ушбу тизимдаги акциядорлик жамиятларидан бири "GALLA-ALTEG" АЖ дон маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш билан шўғилланади у корхонада дон маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш 2017 йилда 110,1 минг тоннадан 2021 йилда эса 140,7 тоннага етди. Сўнгги беш йилликда донни қайта ишлаш 30 минг тоннадан ошган. Унинг асосий қисми 2021 йилда 30,2 минг тонна ем маҳсулотлари, 71,8 минг тонна ун ва ун маҳсулотлари қайта ишлаб чиқарилган. 2021 йилда эса, 37,3 минг тонна ем ва ем маҳсулотлари, 94,4 минг тонна ун ва ун маҳсулотлари қайта ишлаб чиқарилган.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларида асосий ўринни ишлаб чиқариш техникалари ва донни сақлаш биноларни асраш ва ишлатиш билан боғлиқ харажатлар ташкил қилади.

Лекин, яқин йиллар ичида иқтисодиётни модернизациялаш шароитда асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларни олиб борилмаганлиги танланган диссертация ишини бугунги кунда ниҳоятда долзарблигидан далолат беради.

Бу ўринда дон ва донни қайта ишлаш тармоғи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси кўйилмоқда. Ушбу масаланинг муҳимлигини таъкидлаб, биринчи Президетимиз И.Каримов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: "Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда."[2].

Ушбу ишларни амалга ошириш ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишни таъминлаш имконини беради. Бизга маълумки, мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти капитални талаб қилади. Жами капитал таркибида активлар ҳар қандай шароитда асосий ва устун мавқени эгаллайди. Активлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди ва рентабеллик даражаси кўтарилади.

Бирок, бу масала корхонада активларни қай тарзда шакллантириш ва

улардан қандай фойдаланишга бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бу соҳада бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш ҳар қандай давр ва иқтисодий тизимда бирдек долзарб аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз. Корхона активларини хусусан асосий воситаларни баҳолаш, улар ҳолати ва таркибини ўрганиш асосида активларни бошқариш юзасидан тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса, капитал ҳаракатини узлуксизлиги, доимийлиги, тез айланувчанлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича ишончли чоратadbирларни амалга оширишни таъминлайди.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун уларни маълум гуруҳларга ажратиш ва ҳисобга олиш лозим. Ушбу масалада А.Ибрагимов томонидан шундай фикр билдирилган: “Асосий воситаларнинг гуруҳларга бўлиш тасниф белгилари қуйидагилардан иборат:

- бажарадиган вазифасига кўра;
- объектлардан фойдаланиш даражасига кўра;
- натурал-моддий таркибига кўра”[5].

Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона ўзидаги мавжуд асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобини қайта кўриб чиқиши ва уларни аудитини такомиллаштириши орқали модернизация жараёнларини амалга ошириши ва жаҳон андозаларига мос келадиган экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шароит яратиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу тармоқни ривожлантиришда асосий воситаларни ҳолати, ҳаракатини ҳисоб ва аудитини молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Материал ва метод.

Халқаро амалиётда асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш ва уни (БХХС) 16-сонли “Асосий воситалар”га мувофиқлаштириш, асосий воситалар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида доимий равишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канадада US GAAP, UK GAAP стандартлари асосида асосий воситалар амортизацияси, қайта баҳоланиши ва уларни ўзаро алмаштирилгандаги баҳоларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин, ушбу соҳада ечимини кутаётган масалалар жуда кўплиги ва уларни ечими тўлиқ топилмаганлиги сабабли илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурияти вужудга келмоқда. Жаҳондаги тажриба ва илмий ютуқларни ўрганиш асосида корхона активларини, хусусан, асосий воситаларни баҳолаш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, таркибини ўрганиш асосида активларни бошқариш юзасидан тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш, асосий воситаларни аудити ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар олиб боришнинг заруриятини белгилайди.

Корхоналарда асосий воситаларни доимий модернизация қилиб бориш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалада Ўзбекистонда маълум ишлар амалга оширилган, шу жумладан, Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти та устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш борасида муҳим вазифалар белгиланган вазифаларни бажаришда асосий воситаларни тўғри ҳисобга олиб бориш ҳамда аудитини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади[4].

Корхона активлари, хусусан, асосий воситаларни баҳолаш, улар ҳолати ва таркибини ўрганиш асосида активларни бошқариш юзасидан тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса, капитал ҳаракатининг узлуксизлиги, доимийлиги, тез айланувчанлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича ишончли чоратадбирларни амалга оширишни таъминлайди. Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида "Асосий воситалар" номли (IAS) 16-сонли стандарт асосида ҳисобга олиш, уларнинг эскиришини маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархига тўғри қўшиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу стандартни Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби тизимига жорий этиш натижасида асосий воситаларни янгилаш ва қайта жиҳозлаш, унинг кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳамда ҳисоби тўғри юритилишига баҳо бериш имконияти яратилади.

Натижалар. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида "GALLA-ALTEG" АЖ 2017-2021 йиллар давомида яъни беш йилликнинг натижасига кўра 2 745 822 минг сўмлик асосий воситалар яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқарилган бу умумий асосий воситаларининг 25 фоизини ташкил этади. (1-жадвал) Корхона фойдаланилмаётган 253 337 минг сўмлик яъни 1 фоиздан кўпроқ асосий воситаларини сотиб даромад ҳам олган. Бундан ташқари эскирган асосий воситаларини ўрнига 11 174 643 минг сўмлик яъни 74 фоиз асосий восита харид қилиниб қайта олиб олинган. Жумладан, 2021 йилда корхона эҳтиёжи учун зарур бўлган донни қайта ишловчи 9 770 353 минг сўмлик янги технология яъни тегирмон сотиб олиниб ўрнатилди. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда сифатли ва тежамкор маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлаган. Ушбу модернизация қилинган асосий восита бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқариш харажатлар тушуши ҳисобига маҳсулот таннархини ҳам 15 фоизга камайдиганини кўрсатмоқда. Шу сабабли, эскирган асосий воситаларни ўз вақтида янги асосий воситалар билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир сабаби, ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб талабларидан бири ҳам модернизациялаш бўлиб келмоқда, чунки шунга амал қилинса мамлакатимиз иқтисодий кўрсаткичлари ижобий томонга ўсишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси "Galla Alteg" АЖда асосий воситаларнинг таркиби таҳлили¹ (минг сўмда)

	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Баланс қиймати	10 129 659	11 004 365	11 350 028	26 694 383	26 621 189
эскириши	5 249 344	6 510 773	7 595 110	9 924 721	12 210 334
кирими	442 934	849 757	43 559	9 770 353	68 040
ҳисобдан чиқарилиши	170 651	9 490	36 503	146 508	2 382 670
сотилиши	70 173	34 799	27 320	105 726	15 319
қолдиқ қиймати	4 880 315	4 493 592	3 754 918	16 769 662	14 410 855



1-расм. "GALLA-ALTEG" АЖда 2017-2021 йилларда асосий воситалар ҳаракатининг диаграммаси

¹Муаллифнинг илмий изланишлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, "Galla Alteg" АЖда йилдан йилга асосий воситаларнинг баланс қиймати, кирими ҳамда эскириш қийматлари ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Асосий воситалар ҳаркати бухгалтерия ҳисобида олиб бориш корхонада тўғри йўлга қўйилган.

Мунозара.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳар томонлама омилкор ва ишончли воситага айланишини таъминлаш мақсадида республикада кўпгина ислохотлар амалга оширилди, энг аввало, 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-1 сонли қонуннинг қабул қилиниши ва унинг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли қонунига қўшимча ўзгаришлар билан тўлдирилган янги таҳрири ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш даврида асосий воситаларга эҳтиёж уни ҳисоб ва аудитни тўғри юритишда янада маъсулият юклайди[3].

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши, бухгалтерия ҳисобини юритиш стандартларига нисбатан янги, бозор муносабатларига тўғри келадиган талабларни қарор топтиришни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий тамойилларни кўзда тутди. Бундан ташқари Қонун, хўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби борасидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини, шунингдек, бухгалтериянинг молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ва эълон қилишга қўйиладиган талабларни баён қилади. Ушбу қонунга мувофиқ асосий воситалар

хўжалик юритувчи субъект активлари таркибига киритилиб, уларни баҳолаш Республикада ягона услубда амалга оширилиши ўз ифодасини топган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида муҳим ва долзарб масаллардан бири аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади. Ҳозирги даврда қайси хўжалик субъекти билан шартномалар тузиш, қайси бири билан ҳамкорлик қилиш масаласи муҳимдир. Ушбу масалада, қайси хўжалик субъекти барқарор ва тўлов қобилиятига эга эканлигини мустақил ва ҳолисона баҳо берувчи ташкилот зарурияти сабабли аудиторлик ташкилотига мурожат қилишга тўғри келади. Ушбу шароитда асосий воситаларни ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни янгилаш ёки ўрнини тиклаш, кераксиз асосий воситаларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун объектлардан фойдаланиш даражасига кўра туркумларга ажратилади.


Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш жараёнида ўринга эга, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб чиқариш техника базасини ташкил этади. Қўйидаги расмда Республикамиз бўйича қайси тармоқда қанча асосий воситадан фойдаланилиши

келтириб ўтилган. Расм маълумотларига кўра, асосий воситалар таркибида хизмат кўрсатувчи тармоқларда асосий воситалар ишлаб чиқаришга nisbatan кўпроқ бўлиб, уларнинг салмоғи 2021 йилда 59,7 % ташкил этган. 2017 йилга nisbatan жами асосий воситалар 43181,8 млн.сўмга кўпайганлигини кузатиш мумкин, унинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришини кўрсак, 14779,1 млн.сўмга кўпайганлигини кузатиш мумкин. Хизмат кўрсатувчи тармоқда эса асосий воситалар 2017 йилга nisbatan 28402,7 млн.сўмга кўпайганлиги ёки 2,665 бараварга ошганлигини кузатиш мумкин. Агар унинг ўсиш тенденциясини кузатсак, йилдан-йилга ортиб борган.

Хулоса. Юқорида келтирилган масалаларни ечимнинг натижаси

сифатида муаллиф томонидан олиб борган кузатишларга асосланиб асосий воситаларни қуйидагича туркумлаш таклиф этилмоқда:

- 1.Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар.
- 2.Захирадаги асосий воситалар.
- 3.Таъмирлашдаги асосий воситалар.
- 4.Қурилиши давом этаётган, қайта тикланаётган, модернизация қилинаётган ва қисман ишлаб чиқаришдан чиқарилаётган асосий воситалар.
- 5.Консервациядаги асосий воситалар.
6. Ижара бўйича:
 - а). Ижарага олинган олинган асосий воситалар.
 - б). Ижарага берилган асосий воситалар.



2-расм. Асосий воситаларнинг тармоқлар бўйича таркиби²(млн.сўм)

²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



3-расм. “Ўздонмахсулот” АҚ тизимидаги корхоналарда асосий воситаларнинг туркумланиши

“GALLA-ALTEG” АЖДа ушбу таклифни амалиётда қўллашни жорий этиш мақсадида 2021 йил 1 чорак ҳолати бўйича таҳлил қилинганда, захирадаги асосий воситалар, таъмирлашдаги асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалари мавжуд эмас. Қурилиши давом этаётган асосий воситалар 1 022 200 минг сўм, ижарага берилган асосий воситалар ҳам мавжуд эмас. Ижарага олинган асосий воситалар эса, 135 897 минг сўм, ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар 7 422 185 минг сўмни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, асосий воситаларни асосий қисми ишлаб чиқаришда иштирок этмоқда.

Шу сабабли асосий воситалардан унумли ва самарали фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектда, энг аввало,

уларнинг ҳисобда тўғри гуруҳланишига асосий эътибор қаратилиши керак.

Модернизация қилинган асосий восита бугинги кунда ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқариш харажатлари тушуши ҳисобига махсулот таннархини ҳам 30 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, эскирган асосий воситаларни ўз вақтида янги асосий воситалар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ чунки, ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб талабларидан бири ҳам модернизациялаш бўлиб келмоқда, чунки шунга амал қилинса, мамлакатимиз иқтисодий кўрсаткичлари ижобий томонга ўсишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т."Ўзбекистон", 2016.-28 б.- Б15-16.
2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: "Ўзбекистон", 2011. -360 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби" тўғрисида"ги Қонуни ЎРҚ-404-сонли 2016 йил 13 апрель.
4. Мирзиёев Ш.М. "Таракқиёт стратегияси 2022-2026 йиллар" ПФ 60-сонли 28.01.2022 йил.
5. Ибрагимов А.К., Очиллов И.К., Қўзиёв И.Н., Ризаев Н.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби: Ўқув қўлланма. –Т.: "Iqtisod-Moliya", 2008. -444 б.
6. Cadbury Code, The Report of the Committee on the Financial Aspects of Corporate Governance: The Code of Best Practice, Gee Professional Publishing, London, December 1992.
7. Cordoş G., Fülöp M.T. Audit expectation gap: fundamental questions and possible solutions, European Research Development in Horizon 2020, Lumen Media Publishing 2013, ISBN-10: 1910129003, ISBN-13: 978-1910129005, p.111-120.
8. Jensen M.C. and Meckling W.H. Theory of the firm: Managerial behavior, agency costs and ownership structure, Journal of Financial Economics Volume 3, Issue 4, October 1976, Pages 305-360.
9. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, And Related Services Pronouncements, Volume I-III includes the IAASB's, The International Federation of Accountants (IFAC), 2020.
10. Institute of Internal Auditors. Strong Foundations: A Pulse of Internal Audit Supplemental Report, 2017.
11. Pickett, K. The Essential Handbook of Internal Auditing. New Jersey: John Wiley and Sons Ltd., 2005.
12. www.lex.uz